

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 30 июнь сешанба  
Сотувда эркин нархда № 130 (1911)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Тожикистон Республикаси ўртасида тузилган "Маданият ва иқтисодий соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида"ги битимга мувофиқ мамлакатимизда шу йил 29 июндан 5 июлгача Тожикистон Республикаси кунлари ўтказилади.

Мазкур тадбир дастурига мувофиқ 29 июнь кунини эрталаб Тошкент аэропортида диёримизга ташриф буюрган қардош республика вакиллари тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Самолёт пиллапоёсидан тушиб келган меҳмонларга анъанавий карнай-сурнай садолари остида анвойи гуллар тақдим этилди.

Тожикистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Бобохон Маҳмадов бошчилигида келган меҳмонлар орасида давлат ансамбллари, таниқли хонандалар, шоир ва ёзувчилар, шунингдек, бир қанча таниқли кино арбоблари, расомлар бор.

Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, маданият ва санъат намояндalари, жамоатчилик вакиллари кутиб олди.

(ЎЗА)



Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири

### ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН

Дўсти қардошдир азалдан,  
Ўзбегим тожик билан.  
Иккиси бир байт газалдан  
Ўзбегим тожик билан.  
Қай йўсин айлай қиёс мен  
Бу ширин дўстлик сўзин,  
Тотлидир болдан, асалдан  
Ўзбегим тожик билан.  
Бахтга ёр доим Навоий  
Токи Жомий бор экан,  
Биз улар қўйган таъмалдан,  
Ўзбегим тожик билан.  
Фаҳм этиб боқсанг агарда  
Биз қўша сайёрамиз,  
Бу Али сўзлар Зухаддан,  
Ўзбегим тожик билан.  
Бир эзатнинг боши сенсан,  
Бир эзатнинг боши мен.  
Ер экиб тинмас ҳамалдан  
Ўзбегим тожик билан.  
Бу қадрдон икки дўста  
Хоҳишимдир то абад  
Топса бир маъно масалдан  
Ўзбегим тожик билан

### РАҲНАМО СИЙМОЛАР

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарликнинг тарихи ақл бовар қилмас даражада қадимий афсоналарга чўлғаниб кетган. Ер, тақдир ва ҳатто оилалари ҳам чагириб кетган бу халқларнинг азалий яқинлигини шу икки миллат орасида тарихда етишиб чиққан не-не намоёндалар ҳамшиша эъозлаб, кўз қорачиғидан авайлаб келишган.



Айниқса, Шарқнинг икки буюк фарзанди, мутафаккир шоирлари Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ҳазратлари ўртасидаги, бемисл ўзаро эҳтиром ва қадр-қиммат, ҳис-туйғуларига йўрилган дўстлик асрлар оша бу икки халқнинг янги насллари йўлига порлоқ нур сочиб турди.

Навоий ва Жомий... Улар наинки дўст, балки бир-бирларига ака-инилардай яқин, устоз шогирд сиймолар эдилар. Бир-бирларини кўрмаса туролмайдиган, дийдорлари ва суҳбатлари бир-бирига азиз, ўзаро бир-бирига энг яхши асарларини бағишлаган, бир-бирларини даҳо асарлар яратишга илҳомлантирган, бир-бирларининг наинки номларини, балки ҳар бир каломини гоёт табарук деб билган зотлар эдилар.

## БИРОДАРЛИГИМИЗ ЯНГИЧА АСОСЛАРДА РИВОЖЛАНАДИ,

— дейди Тожикистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Бобохон МАҲМАДОВ

— Бу икки миллат дўстлиги, биродарлиги гарчи минг йилликлар билан туташса-да, лекин давр истиқболга эришганидан кейин уни янги асосларда ташкил этиш вазифасини қўйилган қўймоқда...

— Фикриниғизга қўшилиман. Шу боис ҳам агар ёдиниғизда бўлса, жорий йилининг бошида Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов расмий сафар билан Ўзбекистонга келган ва ана шу сафар давомида бир қанча соҳаларда битим ва шартномалар имзоланганди. Мазкур битимлардан бири «Маданият ва иқтисодий соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги битим деб аталади. Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари ўтказилаётганини ана шу битимнинг ҳосиласи — амалий ифодаси, деб аташ мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Тожикистон Республи-

каси ҳукумати ўртасида тузилган янги битимлар ҳар икки мамлакат муносабатларининг янги қатор топишда пойдевор вазифасини ўташи шубҳасиздир.

— Утган олис даврларда шоирлар ёзувчилар бу икки миллат дўстлиги таъриф-таъсифига нималар битмаган дейсиз...

— Сизнинг саволингизни эшитиб, ёдимга Мавлоно Румийнинг бир сатри тушди. У киши бу борада жуда ҳам топиб айтган: «ҳамдили аз ҳамзабони бехтараст» («тили бирдан дили бирик авлороқдир»). Дарҳақиқат, ўзбек билан тожикнинг тили бошқа бўлса-да, лекин эт билан тирноқ каби дили бир — яқтодир.

— Тожикистон Республикаси кулларига махсус дастур тайёрланган бўлса керак-а?

— Ҳа. Дастуримиз анча бой. Унда 200 нафардан зиёд шоир, ёзувчи, санъаткор, олим, расом ва хунарманд-



ларимиз иштирок этишади. Биз Ўзбекистонга келишдан олдин «Тожикистон», «Феруза», «Чашма» журналларининг махсус сонларини ана шу кўрсаткич бағишладик. Бундан ташқари 25 нафар ўзбек шоир ва ёзувчиларнинг асарларини тожик тилига, худди шунча тожик шоир ва ёзувчилари асарларини эса ўзбек тилига таржима қилиб, тўплам шаклида чоп этидик. Республикадаги «Салои мардум», «Баҳор ахам», «Халқ овози» газеталари, Ўзбекистон билан чегарадош бўлган туман

газеталари ҳам ана шу кўнға атаб саҳифа ва махсус сон ташкил этишди. Мен шу ўринда ўзбек ва тожик тилларида тайёрланган Тожикистон билан танишув «Альбом»ни ҳам алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Дастур давомида делегациянинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бўлиши ҳам режалаштирилган. Санъаткорларимиз, олимлар хунармандларимиз мазкур вилоятларда бўлиши, ўз санъат ва хунарларини намойиш қилишади.

4 та кўрсатма ташкил қилиш ҳам режалаштирилган. Биринчиси, расомлар кўрсатмаси. Унда тожикistonлик расомларнинг 300 га яқин асарлари намойиш қилинади. Иккинчиси «Истиқлолнинг етти йиллигига» деб номланган. Унда асосан Тожикистонда етти йил давомида амалга оширилган ишларни кўрсатамиш. Учинчиси, китоблар намойиши.

Тўртинчиси тарихий ёдгорлик ва миллий хунармандчилик билан боғлиқ. Делегациямиз таркибиде иккита йирик театр — Садриддин Айний номидаги опера ва балет театри ҳамда Лоҳутий номидаги драма театри жамоалари ҳам бор.

Жўрабек Муродов, Зафар Нозимов, Давлатманд Холов, Жўрабек Набиев, Мастона Эргашева, Гавҳар Миржумаева каби ҳофизларни уйлaimанки, Ўзбекистонда ҳам яхши танишади. Мумин Қаноат, Гулназар Келдиев, Улмас Жамол, Юсуфжон Ақобиров, Фарзона ва Зулфия асарлари билан ўзбекистонлик китобхонлар ҳам таниш эканлиги бизни беҳад хушунд қилди. Бундан ташқари сафимизда Муро Диноршоев, Ҳабиб Сафаров, Ҳабибулло Сайидмуродов каби фан захматқашлари борлиги ҳам қувонarliдир.

Мен кўзга тутилган бу учрашув ва мулоқотлар ҳар икки мамлакат ва миллат вакиллари янада яқинлаштиради, дўстлик ва биродарлигимизни янги асосларда ривожланишига амалий асос бўлади, деб умид қиламан.

«Халқ сўзи» мухбири  
Исмаи ХУДОЁРОВ  
суҳбатлашди.

## БЕКОВОДА МАТБУОТ БАЙРАМИ

Кўни кеча Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кўнига бағишланган катта оммавий сайл бўлиб ўтди.

Унда шаҳар жамоатчилиги Бекобод шаҳар ва туман газеталари ходимларини касб байрамлари билан қутлади. Таниқли ва ҳаваскор санъаткорларнинг ижросида янграган кўшиқ, мусиқа ва рақслар байрамга алоҳида шуқуқ бағишлади.

Бекободдаги матбуот байрамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ахборот маркази-

нинг раҳбари Саъдулла Ҳақимов, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этидилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ахборот марказининг раҳбари С. Ҳақимов ва бошқалар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қари-

мовнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан келгуси ривожланишида асос бўладиган қудратли омма — миллий мафкура ва унинг муаммоларига бағишланган суҳбати ҳамда ундан келиб чиққан ҳолда матбуотимиз олдига турган долзарб вазифалар тўғрисида фикр юритдилар.

Байрамда вилоят, шаҳар ва туман оммавий ахборот воситаларининг энг яхши ходимлари қimmatбахш совғалар билан тақдирландилар.

М. САФАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## КУЙЛАСА ЧАЛҒУСИ БИР...

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ — Ўзбекистон ёзувчилар уюмаси тожик адабиёти кенгашининг раиси, таржумон ва адабиётшунос.

— Ўзбекистон ёзувчилар уюмаси қошида тожик адабиёти кенгашининг тузилагани ун йилча бўлди. Шу вақт орасида уюшмада республикамиз бўйича тожик тилида ёки ўзбек ва тожик тилларида баробар ижод қилиб келаётган адибларнинг ҳаёти, фаолиятига эътибор анча қулайди. Деярли, ҳар йили иқтидорли тожикзабон ижодкорлардан саралаб уюшма аъзоллигига қабул қилинади. Уларнинг асарлари турли нашриётларда чоп этилади. Радио ва телевидение орқали тарғиб ва ташвиқ қилинади. Ёзувчиларнинг янги асарлари ва тўпламларини мукоама қилиш кенгашиимизда доимий тус олган. Кейинги пайтларда Чорпанба Дехна-

вий, Муҳаммаджон Шодий, Теша Ражабовларнинг мажмуалари, Абдулла Қодирийнинг «Утган кўнлар» романининг тожикча таржимаси кенгаш йиллиқларида мукоама қилиниб, нашрга тасвир этилди.

Биз бевосита уюшма раиси Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, раис муовини, ёзувчи Йўлдош Сулаймонларининг хайрихолиғи ва кўнакли билан тожик адабиётини, ўзбек ва тожик адабиётини алоқаларини тарғиб қилиш борасида ҳам жиддий тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Жумладан, Фирдавсий, Жомий, Белил, Камол Хўжаидий, Ҳофиз каби форс-тожик классиклари ижодларига бағишлаб «Назм ва наво» кечалари; ўзбек шоирларининг тожик тилидаги асарлари, тожик шоирларининг ўзбек тилидаги шеърлари асосида «Шир шарк» адабий-бадиий кечалар уюштириб келинмоқда. Бундай тадбирларнинг барчаси азалий

ва абадий бўлган ўзбек-тожик адабий ҳамкорлигини мустақамлаш, мустақиллик шароитида янгича ўзига солиб юборишда жуда катта аҳамиятга эга.

Ўзбеклар билан тожиклар кўнға қорин ҳам, турмуш тарзи ҳам, маънавий олами ҳам, рўҳини ҳам бир. Уларни ҳеч қандай куч ажратма олмайд. Шунинг учун ҳам халқимиз бу биродарлик ҳақида:

Куйласа чалғуси бир,  
Нилгаса қайғуси бир,  
деган ҳикматона байтни яратган.

Ёзувчилар уюшмаси ва унинг тожик адабиёти кенгаши аъзолари ана шу қондошлик, қардошлиқни тобора мустақамлаш йўлида хизмат қилаверад.

Суҳбатни  
А. ЖўРАЕВ ёзиб олди.

## ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Гулистонда Сирдарё вилояти фаолларининг йиқилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Қаримовнинг Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сеессиясида сўзлаган нутқида ҳамда Андижон ва Фарғона вилоятлари меҳнатқашлари билан учрашувлари чоғида ўртага қўйган вазифалар мукоама этилди. Вилоят ҳокими У.Исмоилов шу ҳақда маъруза қилди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг нутқида ҳамда Фарғона водийси деҳқонлари билан учрашувларида мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги бошқилиғига эътибор берилди. Давлат мулкани хуеуеи йлғаштиришда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қуйилган.

Иқтисодий илохотларнинг тақдирини, деб уқтирилди йиллиқда, кўп жиқатдан раҳбар кадрларнинг масъулиятига, уларнинг юксак ташиқилчилик ва ташаббускорлигига боғлиқдир. Бу талаб барча даражадаги раҳбарлар иш фаолиятининг асосий меъони бўлмоғи зарур.

Ф. НОРМАТОВ,  
ЎЗА мухбири.

## ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Республикамиздаги барча почта алоқа бўлимларида ва «Матбуот уюшмаси» акциядорлик жамиятларида 1998 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» гаветаларига обуна қабул қилиш давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичларини

«Халқ сўзи»	229	230
«Народное слово»	166	167

Обуна нархларини почта алоқа бўлимларидан ва матбуот тарқатиш уюшмаси жамиятларидан билиш мумкин.

УЛ БИРИ ОЛИЙИН ҲАМ НАВОЙИ КЎЗ БИРИ, БИНАҲАРИ, ПАЙВАНДИ ЯҚ ОБУ, ИМАУ, ЯҚ ТАВХАРАНО

СЎЗ – ТОЖИКИСТОН КУНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Маснона ЭРГАШЕВА, Тожикистон халқ артисти, «Лола» хизмат кўрсатган давлат ансамблининг раҳбари:

– Ўзбек халқи билан тожик халқи аслида ака-ука. Азал-азалдан бизнинг заминимиз бир, осмонимиз бир, санъаткору шоиримиз бир, илдишларимиз туташиб, қалбларимиз дўстлик ришталари ила пайванддир. Мен Тошкентда ўтказилаётган Тожикистон кунларида ўзбекистонлик дўстларимга «Тожик-ўзбегимга» номли кўшиқни армуғон этмоқчиман. Хассос шоир Низом Қосимнинг тожик тилидаги бу шеърини икки тилда булбулигўё бўлган шоири замон Улмас Жамол ўзбек тилига ўлғирган, мен ўзим унга куй басталадим. Эшитиб кўринг-га:

Қисмат бўл эй ниғаҳдон, Тожик-ўзбегимга, Хушудлик эт фаровон Тожик-ўзбегимга.

Гул атру рангли янгли, Олаҳо яқин этиб кўй, Дегилик сиз жисму-жон Тожик-ўзбегимга.

Афзалшо ШОДИЕВ, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист, «Борбад» концерн мажмуи «Зарафиш» ансамблининг башбариси:

– Мен гастроллар боис дунёдаги барча йирик шаҳарларни кўрганман. Шо-

иртаб кўнглим у шаҳарлардаги бойликлардан кўра гўзалликларни кўпроқ илғайди. Шу боисданми, илгарилари Тошкентни энг гўзал шаҳарлардан бири деб билардим. Ҳозир эса Тожикистон кунлари муносабати билан ташриф буюриб, шаҳрингиздаги мустақилликдан сўнг рўй берган ўзгаришларни, янгиланишларни кўриб ҳайратда қолдим. Тожикистонда кўп ўзбек хонандаларини, айниқса Гуломжон Ёқубов, Камолдин Раҳимов, Юлдуз Усмонова сингари хушовоз хонандаларни тожик-ўзбек баробар яхши кўришади. Гулларга бурканган, кун сайин гўзаллашиб бораётган бу жаннатмакон юртда яшаб туриб санъаткор ёки ижодкор бўлмаслик мумкин эмас экан. Очигини айтсам, Марказий Осиёнинг чарқлаган юлдузига айланиб бораётган гўзал шаҳарда яшаб, ижод этаётган санъаткор дўстларимга ҳавасим келди.

Тожик халқининг санъатга ихлоси баланд. Ҳозирги кунда Президентимиз ижодкор-у санъаткорларга катта эътибор бераётган. Уларнинг ижод этишлари учун имкониятлар яратиб бераётган. Мана, ҳозир Тошкентда ўтаётган Тожикистон кунлари тожик ва ўзбек халқининг дўстлиги учун солинган яна бир муштақам кўприк бўлади. Насиб этса бундай дўстлик кунлари Тожикистонда ҳам давом этгусидир.

А. ЖҲҲА ёзиб олди.

ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ

Ўзбеклар ва тожиклар қадимдан азалий, меҳрибон, дилкаш дўст ҳисобланадилар ва шу дўстлигуну биродарлик неча-неча асрларни ўзига қамраб олган.

Шу сатрларни қозоғга тушираётганимда машҳур ўзбек шоири Фафур Гуломнинг ушбу сўзлари кўз ўнгимда гавдаланди: «Биз – ўзбеклару тожиклар – тили бошқа-бошқаю, дили бир халқимиз». Бу сўзларнинг замирида катта маъно бор. Зеро, устоз Фафур ака бу сўзларни тарихимизга, тақдиримизга қараб баён этганлари ҳеч кимга сир эмас.

Бу дўстлик ришталари муваддат, қадим замондан муштақам пойдевор қўйилган ва унинг асосчилари ҳазрати Жомий ва Алишер Навоий ҳисобланадилар. Улар бу дўстлик ришталарига ҳаётларининг охиригача содиқ қолганлар, бу ноёб дўстлик ва биродарлик ришталарини кейинги авлодларга муҳим мерос қилиб қолдириб, кўз қорачири-

дек сақлашни қайта-қайта таъкидлаганлар.

Кейинги авлодлар бу васиятга амал қилиб, бу дўстлик ва биродарликни ҳаётнинг мураккабликлари, қийинчиликларидан омон-эсон чиқариб, янги парвоз бағишладилар, янги мазмун-мундарижа билан бойитдилар. Бунга Мирзо Турсунзода – Жалоли Иқромий, Раҳим Жамол – Фафур Гулом, Абулла Орипов – Асқар Ҳаким, Эркин Воҳидов – Лойиқ Шерали ва бошқа ўнаб шоирлар, ёзувчилар, маданият, санъат ходимлари, давлат арбоблари, сиёсий арбоблар ва бошқаларнинг фаолиятлари мисол бўла олади. Дўстлик ва биродарлик ришталари ҳар икки халқнинг муштақамлик давридаги ҳаётида ҳам яққол кўзга ташланади ва бу ҳақда ҳам кўп мисоллар келтириш мумкин...

Бизнинг дўстлигимиз биноси муштақам пойдевор устида турибди. Уни бирон-бир куч, бирон-бир қудрат ва бирор-бир шахс буза олмайд.

Ҳа, ўзбеклар ҳам тожиклар ҳам дўстлик, биродарлик анъаналарига содиқлар, яхши ниятлар, орзулар билан бир-бирларига қўл бериб кўришадилар. Жамият аҳли олдидан ўзларининг беғубор диллари ва пок чеҳралари билан бу дўстликнинг тантанасидан гурурланиб, биродарлигимиз, қуд-андликларимиз, қуд-андликларимиз ўртасида дўстлик ришталарини, алоқаларимизни янада муштақамлашга хизмат қилади.

Ҳа, ҳақларимиз мудом дейдилар: дўст билан обод унинг. Ишончимиз комилки, Президентимиз Ислам Абдураҳимов Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда ўтказилаётган Тожикистон кунлари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ришталарини, алоқаларимизни янада муштақамлашга хизмат қилади.

Эсон ТУРДИҚУЛОВ, «Овози тожик» рўзномасининг бош муҳаррири.

1958 йилнинг октябри. Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи конференцияси очилиши арафаси. Ташкилий кўмитанинг фаол аъзоси Мирзо Турсунзодадан анжуман ҳақидаги фикрларини олиш каминига муяссар кўриди.

Мирзо Турсунзода ҳақида кўп яхши сўзларни эшитган, унинг жаҳоннинг барча бурчақларида шоир ва тараққийпарвар арбоб сифатида танишларини билар эдим. Ҳўшдан фаолият ва жаҳон халқлари олдидан катта обрў-эътибор орттирган улғур одам, тожик адабиётининг йирик намояندаси билан мулоқотда бўлиш ҳам бахтли, ҳам масъулиятли ҳодиса эди.

Тун бўйи унинг асарларини кунт билан мутулаа қилдим, жўшқин ва эҳти-

МЕҲМОН ЭМАС, МЕЗБОНМАН

росли, сермазун ва нафис шеърларидан ёлладим. Умр дафтарини варақладим. Ўз навбатда ёзувчилар тарихий анжуманининг мақсад ва ташкилий, ижодий режалари билан танишдим.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, эртасига хонага киришим билан мен кутган баланд парвоз гаплар муҳити оддий, самимий, тенгма-тенг қадрдон, биродарларнинг илқ сўзбастига айланиб кетди.

Одамийлик, узатилаган тир пилла чой, дастурхонга тақлиф, шу орада илк бор айтилган қалб нидоси ўй-фикримни ўраб олди.

– Мени меҳмон эмас,

мезбон деб ёсангиз ҳам бўлади. Ўзбекистонда сабоқ олиб, шоир бўлган одамман.

1926 йилда бир гуруҳ ёшлар билан бирга Тошкентдаги Тожик Маориф институтига келиб таълим олганман.

Етти кечаю етти кундуз йўл юриб Термизга етиб борганимиз эсимда. Илк дафъа темир йўлини ўшанда кўрганман, поездга ҳам биринчи мартаба ўшанда тушганман.

Шундан кейин, устоз мовийдан сўзлаган эдилар. Ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги илдишлари теран, деган илҳомбахш сўзлари ҳамон эсимда.

Шу гапларни ёдга олар эканман, йўлбошчимиз Ислам Каримов ҳамда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов бутун ўз фаолиятлари билан инсоният руҳи ва тафаккурининг азим сиймолари васиятига содиқ қолиб, халқларимиз иродасини рўёбга чиқараётганликларига тасаннолар айтгим келарди.

Ўзбекистон ва унинг ардоқли адиблари тўғрисида Мирзо Турсунзода қатор чикишлар қилганини кузатганман. Унинг ўзбек шеърининг Зуҳро юлдузи Зулфияхоним ҳақидаги, Фафур Гулом, Шароф Рашидов, Комил Яшин тўғриси-

даги фахрлиб ёзган мақолаларини севиб ўйганман. Навоий ва Жомийлар бошлаган улғур дўстликка, қардошликка муносиб ҳисса қўшишга, уни янада муштақамлашга, ривожлантиришга интилангани туйганман.

Ҳозир республикамизда бошланаётган Тожикистон кунлари – икки халқнинг бир-бирига бўлган муҳаббати, юрак ҳарорати чўқур илдишлиги, унинг муштақамлиги намойишидир.

Расул РАҲМОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК



Бугун Ўзбекистон диёрида Тожикистон кунлари тантанали ривидо бошланади. Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон халқи Президентимиз И. А. Каримов бошчилигида Тожикистон оҳлига баҳоли қудрат бирдамлик, ёрдам қўлини чўзиб келяпти.

Келажақда икки халқ ўртасидаги дўстлигини янада муштақамлашни инобатга олган ҳолда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ҳам 1998 йилнинг илк ҳафтасида Ўзбекистон пойтахти Тошкентга амалий ташриф буюрди. 1998 йилнинг 26 март кунини Тожикистон ҳам Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган ягона иқтисодий Мақола тузиш тўғрисидаги шартномага қўшилиди.

Президентларимизнинг ҳолқларимиз ўртасидаги дўстлигини янада муштақамлаш дастурининг меваси сифатида икки давлат Фанлар Академиясининг Президентлари ўртасида ҳамкорлик битимлари ҳам юзага кел-

лар Академиясининг бир қатор илмий муассасаларида бўлиди.

Ушбу учрашувларда сейсмология, астрономия, геология ва геофизика соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларидаги минерал хомашё ресурсларини кенгайтириш учун илмий асос яратиш, астрономия ва астрофизика, сейсмология ва зилзилабордош қурилиш соҳасида илмий-техник ҳамкорликни ўрнатил, долзарб муаммоларни биргаликда бажариш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш юзасидан икки ёқлама битимлар имзоланди.

Икки давлат учун ҳам долзарб ҳисобланган илмий йўналишлар бўйича юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш учун диссертацияларни химоя қилишда икки давлат олимларидан иборат бўлган ихтисослаштирилган илмий кенгашларни ҳамкорликда яратиш зарурлигини қайд этдилар ва бу борада конкрет режа тузилди.

Ташриф чоғида меҳмонлар Материалшунослик институтининг фаолияти билан, шунингдек Ўзбекистон миллий боғи, Халқлар дўстлиги саройи, Олий Кенгаш биноси ва бошқа диққатга сазовор жойлар билан танишдилар.

Х. АКБАРОВ, ЎзФА Ер ҳақидаги фанлар бўлими раиси, академик. Т. МУХТОРОВ, илмий котиб, география фанлари номзоди.

СУРАТДА: бир гуруҳ ўзбек ва тожик олимлари.

Эй дил! Севинчгини шоҳ байтларга сол. Бундай олар ёниб қуйламай бўлмас. Дўстлар меҳмон бўлиб келди! Бу висол Гуллари сўлари, нуллари сўнмас. Ҳамманнинг кўзида юлдуздаги нур, Диллардай чашмада сув ҳам жиёвали. Меҳмонку меҳмонда бир ёрқин суғур, Оғибот ерга тўши шодлик тергали.

Бутун Республика бўлиб бир оғуш Тожик дўстларига қалбин очибди. Кексаларда гуруҳ, ёшлар кўнгли хуш, Охулар кўздан уйқу қочибди.

Қардошлик қўшигин, висол шодлигин Борми эзулигин билмаган одам! Бу – бағри бутунлик, дил ободлиги, Дил ободлиги бу – бекиёс олам.

Бекиёс олам бу – тақдир бириги, Тарих қатларига ётган газаллар. Элар заковатин бу – тириклиги, Бу – ёндош из солиб келган азаллар.

Уша азаллардан умид кўр ташиб, Дилларни ёритди бўлиб шамчиқроқ, Тиллақлар, умидлар тақдир ташаббу, Бир-биримиздан ҳеч чоғ кетмади йироқ.

Ҳар ўзбек дилида, кутли уйида Бугун шу қардошлик байрам висоли. Сизни халқ кутмақода: Чашма бўйида

Баҳра кутган ташна жайрон мисоли. Ҳеч чоғ қўлаб билмаган дарбозамиздай Ҳар шаҳар, ҳар қишлоқ кучоғи очик, Меҳрлар дилларнинг дурдонасидай Сиз кирар қалбаларга беғумов сочик.

Сиз юрар йўлларга тўшадик гуллар, Гуллар узра юринг, Сўзлар сўзсин! Дўстлик қўйилмаси бўлсин туйгулар, Меҳр-садоқатнинг ўти сўнмасин.

Ўлмас ЖАМОЛ

ШИРУ ШАКАР

Ўзбегу тожик элим тожи сари як-дигаранд, Ду азиз фарзанди як муку павар ҳам модаранд.

Ул бири олаш уаждар, ҳам жавоҳир кўз бири, Бингари, пайванди як обу, гилу, як гаҳаранд.

Ҳазрати Жомий, Навоий – меҳринг сарчашмаси, Дар суҳангай тавоноинду бас афсунгаранд.

Не балолар бошидин доврўғ солиб ўтганда ҳам Дўстиро ҳамчу ганжи бебаҳо мепарваранд.

Этиққод, меҳру вафо бобода тоғат беназир, Дар самон марофат ҳар ду дурахшон ахтаранд.

Оқабат байроғини, Улмас, қўлингдан бермағил, Ни ливро то жаҳон боқист, бо ҳам мебаранд.

ликамиз ва чет эллардаги кўрғазмаларда намойиш этиш учун тайёрланмоқда. «Ориёно» ансамблининг иштирокчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка Маглуба Дадабоева ҳозирги кунларда Франция, Бельгия, Нидерландия бўйлаб гастролда юрилиб ва республикамиз маданияти довругини жаҳон бўйлаб намойиш этапти. Ансамблининг Мунира Муҳаммедова, Шавкат Тошматов, Хурсанд Шероф каби намояндалари эса янги концерт программаси устида ишлаяётганлар ва шу йилнинг август ойида Курувчилар байрами кунини муносабати билан Мукдмий номли театр сахнасида Тошкент шаҳар курувчиларига хайрия концерти берадилар.

Шунингдек, «Ориёно» маданият маркази эълон қилган ҳафтотлар конкурсида ҳам ажойиб асарлар мажмуаси келганки, улари ҳам кўрғазма қилиш режалаштирилган.

С. МУХЛИС, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЭЙ, ДИЛ!

Эй дил! Севинчгини шоҳ байтларга сол. Бундай олар ёниб қуйламай бўлмас. Дўстлар меҳмон бўлиб келди! Бу висол Гуллари сўлари, нуллари сўнмас. Ҳамманнинг кўзида юлдуздаги нур, Диллардай чашмада сув ҳам жиёвали. Меҳмонку меҳмонда бир ёрқин суғур, Оғибот ерга тўши шодлик тергали.

Бутун Республика бўлиб бир оғуш Тожик дўстларига қалбин очибди. Кексаларда гуруҳ, ёшлар кўнгли хуш, Охулар кўздан уйқу қочибди.

Қардошлик қўшигин, висол шодлигин Борми эзулигин билмаган одам! Бу – бағри бутунлик, дил ободлиги, Дил ободлиги бу – бекиёс олам.

Бекиёс олам бу – тақдир бириги, Тарих қатларига ётган газаллар. Элар заковатин бу – тириклиги, Бу – ёндош из солиб келган азаллар.

Уша азаллардан умид кўр ташиб, Дилларни ёритди бўлиб шамчиқроқ, Тиллақлар, умидлар тақдир ташаббу, Бир-биримиздан ҳеч чоғ кетмади йироқ.

Ҳар ўзбек дилида, кутли уйида Бугун шу қардошлик байрам висоли. Сизни халқ кутмақода: Чашма бўйида

Баҳра кутган ташна жайрон мисоли. Ҳеч чоғ қўлаб билмаган дарбозамиздай Ҳар шаҳар, ҳар қишлоқ кучоғи очик, Меҳрлар дилларнинг дурдонасидай Сиз кирар қалбаларга беғумов сочик.

Сиз юрар йўлларга тўшадик гуллар, Гуллар узра юринг, Сўзлар сўзсин! Дўстлик қўйилмаси бўлсин туйгулар, Меҳр-садоқатнинг ўти сўнмасин.

Ўлмас ЖАМОЛ

«ОРИЁНО» – ТОЖИК МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ

«Ориёно» тожик маданияти маркази 1990 йилнинг июни ойида ташкил этилган. «Ориёно» тожик маданияти маркази фаолиятининг асосий йўналиши республикамизда тинч-тотувлик ҳолатини тартиб этиш, турли адабий-бадиий кечалар, концертлар, кўрғазмалар ташкил этиш орқали кўп миллатли республикамизда халқларни ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларини муштақамлаш ва халқ санъаткорлари ижодини рағбатлантириш каби бир қатор хайрли амаллардан иборат.

Ўзбекистонда, расмий маълумотларга қараганда, бир миллионга яқин тожиклар яшайди. Улар республикамизнинг деярли барча вилоят, туман ва шаҳарларида жойлашган. Ўзбекистонда 150 тага яқин тожик мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон телевидениесида тожик тилида «Рангинкамон» кўрсатуви, айниқса

тожик-ўзбек тилидаги «Шир-шакар» кўрсатувлари тобора эътибор топиб бормоқда. Республика радиосидаги тахририят, «Ўзбекистон» нашриётининг тожик тилидаги адабиётлар редакцияси, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошидаги тожик адабиёти шўбаси каби қатор-қатор жамоа ва ташкилотлар ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

«Ориёно» тожик маданияти марказида нашр ишларига алоҳида эътибор берилади. Утган йиллар орасида марказ ташаббуси билан академик шоир Фафур Гуломнинг республикамиз муштақамлигига бағишланган «Сизга инъомим mening» номли тўплами босилиб чиқди ва Туркияда ўтказилган китоб

кўрғазмасида иштирок этишди. Республиканинг илмий-адабий маркази «Истиқлол қўшиқлари» (Мурод Қалонхон) шеърини тўплами нашр этилди. Шунингдек, устоз Сотим Улуғзода талқинидаги «Шоҳнома» қиссаси, ёш тожик шоири Абдуллоҳ Субҳоннинг «Сарбалдорам ман» номли шеърини тўплами, Мухсин Умарзоданинг «Нишоти Наврўз» каби қатор тўплам ва рисола-лар тожик ва ўзбек китобхона-ларига манзур бўлди.

У афроғига Абдуллажон Ортықбоев, профессор Ҳамиджон Ҳомидий, тарихчи олим Собитхон Қурбонов, техника фанлари доктори, профессор Тухтамурод Набиев, форс тили устози, филология фанлари

«Ориёно» тожик маданияти маркази 1990 йилнинг июни ойида ташкил этилган.

«Ориёно» тожик маданияти маркази фаолиятининг асосий йўналиши республикамизда тинч-тотувлик ҳолатини тартиб этиш, турли адабий-бадиий кечалар, концертлар, кўрғазмалар ташкил этиш орқали кўп миллатли республикамизда халқларни ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларини муштақамлаш ва халқ санъаткорлари ижодини рағбатлантириш каби бир қатор хайрли амаллардан иборат.

Ўзбекистонда, расмий маълумотларга қараганда, бир миллионга яқин тожиклар яшайди. Улар республикамизнинг деярли барча вилоят, туман ва шаҳарларида жойлашган. Ўзбекистонда 150 тага яқин тожик мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон телевидениесида тожик тилида «Рангинкамон» кўрсатуви, айниқса

тожик-ўзбек тилидаги «Шир-шакар» кўрсатувлари тобора эътибор топиб бормоқда. Республика радиосидаги тахририят, «Ўзбекистон» нашриётининг тожик тилидаги адабиётлар редакцияси, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошидаги тожик адабиёти шўбаси каби қатор-қатор жамоа ва ташкилотлар ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

«Ориёно» тожик маданияти марказида нашр ишларига алоҳида эътибор берилади. Утган йиллар орасида марказ ташаббуси билан академик шоир Фафур Гуломнинг республикамиз муштақамлигига бағишланган «Сизга инъомим mening» номли тўплами босилиб чиқди ва Туркияда ўтказилган китоб

кўрғазмасида иштирок этишди. Республиканинг илмий-адабий маркази «Истиқлол қўшиқлари» (Мурод Қалонхон) шеърини тўплами нашр этилди. Шунингдек, устоз Сотим Улуғзода талқинидаги «Шоҳнома» қиссаси, ёш тожик шоири Абдуллоҳ Субҳоннинг «Сарбалдорам ман» номли шеърини тўплами, Мухсин Умарзоданинг «Нишоти Наврўз» каби қатор тўплам ва рисола-лар тожик ва ўзбек китобхона-ларига манзур бўлди.

У афроғига Абдуллажон Ортықбоев, профессор Ҳамиджон Ҳомидий, тарихчи олим Собитхон Қурбонов, техника фанлари доктори, профессор Тухтамурод Набиев, форс тили устози, филология фанлари

номазоди Холназар Уролов, республикамизнинг илмий журналистлари Шавкат Нисёзов, Мухсин Умарзода, Шарофат Эриятова, композитор Арман Ҳожи, йирик расом Муборак Йўлдошев каби бир қатор йирик намояндаларни жалб этган «Ориёно» маданият маркази катта маънавий ва бадиий қудратга эга бўлган тарбия масканидир.

Утган давр давомида марказ кучи билан «Шоҳнома»нинг 1000 йиллиги, Камол Хужандий, устоз Васий юбилейлари ўтказилди. Абдуллажон Ортықбоев ташаббуси билан ўтказилган иккинчи жаҳон урушини қатнашчиси Олим Хусниев билан учрашув оқшоми ҳам гоғай мароқди ўтди. «Ориёно» Рес-





ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Шу йилнинг 10 июнида Франциянинг унта муҳташам стадионларида бошланган футбол бўйича 16-жаҳон чемпионатининг энг қизиган палласига ҳам етиб келди. 16 кун давом этган саралаш учрашувларидан сўнг, олтин матбуда тақдирини ҳал қиладиган асосий босқич учрашувлари ҳам бошланиб кетди. Маълумки, чемпионатнинг нимчорак финалига асосан Европа ҳамда Лотин Америкаси мамлакатларидан кўпроқ терма командалар кўтарилган эдилар. Кейинги икки

шувларида дарвозаларга 13 тўп киритилди. Шундан тўрттаси Бразилияга, яна тўрттаси даниялик футболчиларга тегишлидир. 28 июндан эйтиборан жаҳон чемпионатини тарқ этган терма командаларнинг сони яна иккитага ошди. Чорак финалга чиққанлар эса тўртта бўлди. Улар — Бразилия, Италия, Франция ҳамда Дания терма командаларидир. 1/4 финал босқичида Франция терма командаси италияликлар билан учрашадиган бўлди. Футбол ишқибозлари жудаям яхши билишади, бу терма командаларнинг ўртасидаги ўйин азал-азалдан аёвсиз тусда ўтади. 1/4 финал босқичининг энг асосий уч-

БАҲСЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ



қун мобайнида 1/8 финал баҳсларидан тўрттаси бўлиб ўтди. Умумий натижаларга эътибор берадиган бўлсак, ана шу ўтган тўрт учрашувда Лотин Америкасидан учта, Европа қитъаси вакилларидан тўртта, Африкадан эса бор-йўги битта мамлакат иштирок этди.

рашуви ҳам бевосита шулар иштирокида бўлиши тайиндир. Энди футбол ишқибозларининг эътиборига 1/8 финал учрашувларида мағлубиятга учраган Парагвай, Нигерия терма командаларининг умумий натижаларини ҳавола этамиз. Парагвай терма командаси чемпионатнинг «Д» гуруҳида кураш олиб бордилар. Дастлаб Испания билан 0:0, кейинги учрашувда Болгария билан ҳам дуранг — 0:0 ўйнатган бўлса, охириги учрашувда нигерияликларни 3:1 натижа билан енгитиша мушарраф бўлган эди. Нигерия терма командаси ҳам «Д» гуруҳида қатнашганлигини ишқибозлар яхши эслашади, албатта. Улар дастлаб испанларни 3:2, болгарияликларни эса 1:0 ҳисобида мағлуб эттишти. Афсуски, «Д» гуруҳининг ҳар иккала аъзоси ҳам чорак финалга бериладиган йўлланмани кўлга кирита олмадилар.

Кеча жаҳон чемпионатининг нимчорак финалида Голландия—Югославия, Германия—Мексика терма командалари ўзаро учрашдилар. Фолбизил курашини яна давом эттирадиган бўлиши. Хулоса қилиб айтганда, олтин матбуда тақдирини ҳал қилишда асосан ер шарининг икки қитъаси — Европа ҳамда Жанубий Америка вакиллари кураш олиб борадиган кўри-нади.

Кеча жаҳон чемпионатининг нимчорак финалида Голландия—Югославия, Германия—Мексика терма командалари ўзаро учрашдилар. Фолбизил курашини яна давом эттирадиган бўлиши. Хулоса қилиб айтганда, олтин матбуда тақдирини ҳал қилишда асосан ер шарининг икки қитъаси — Европа ҳамда Жанубий Америка вакиллари кураш олиб борадиган кўри-нади.

Шундай қилиб, асримизнинг энг сўнгги жаҳон чемпионатидаги 1/8 финал учра-

шуларидан тўрттаси бўлиб ўтди. Умумий натижаларга эътибор берадиган бўлсак, ана шу ўтган тўрт учрашувда Лотин Америкасидан учта, Европа қитъаси вакилларидан тўртта, Африкадан эса бор-йўги битта мамлакат иштирок этди.

рашуви ҳам бевосита шулар иштирокида бўлиши тайиндир. Энди футбол ишқибозларининг эътиборига 1/8 финал учрашувларида мағлубиятга учраган Парагвай, Нигерия терма командаларининг умумий натижаларини ҳавола этамиз. Парагвай терма командаси чемпионатнинг «Д» гуруҳида кураш олиб бордилар. Дастлаб Испания билан 0:0, кейинги учрашувда Болгария билан ҳам дуранг — 0:0 ўйнатган бўлса, охириги учрашувда нигерияликларни 3:1 натижа билан енгитиша мушарраф бўлган эди. Нигерия терма командаси ҳам «Д» гуруҳида қатнашганлигини ишқибозлар яхши эслашади, албатта. Улар дастлаб испанларни 3:2, болгарияликларни эса 1:0 ҳисобида мағлуб эттишти. Афсуски, «Д» гуруҳининг ҳар иккала аъзоси ҳам чорак финалга бериладиган йўлланмани кўлга кирита олмадилар.

Кеча жаҳон чемпионатининг нимчорак финалида Голландия—Югославия, Германия—Мексика терма командалари ўзаро учрашдилар. Фолбизил курашини яна давом эттирадиган бўлиши. Хулоса қилиб айтганда, олтин матбуда тақдирини ҳал қилишда асосан ер шарининг икки қитъаси — Европа ҳамда Жанубий Америка вакиллари кураш олиб борадиган кўри-нади.

Шундай қилиб, асримизнинг энг сўнгги жаҳон чемпионатидаги 1/8 финал учра-

СЎЗ ВА ФИКР ЭРКИНЛИГИ БАЙРАМИ



Мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини кенг нишонланди. Байрамни нафақат журналистлар ва матбаачилар, балки бутун халқимиз хуррият, озодлик, сўз ва фикр эркинлиги кунини сифатида нишонлади.

Утган шанба кунини пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий бог одамлар билан ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Ушбу маданият ва истироҳат масканига республикамизнинг етакчи газета ва журналлари, нашриёт, телевидение ва радио ходим-



лари, матбаачилар, шунингдек, вазирлик ва идоралар, қўмиталар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, меҳмонлар тўпланди. Буёқ бобокалонимиз Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирни Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг раҳбари Х. Дўстмуҳамедов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг дивони Ахборот марказининг раҳбари С.Ҳакимов ўқиб эшиттирди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда журналистлар ва

матбаачилар таърифида бўлишидек маъмулиятли, айни вақтда шарафли вазифини сийқидидадан бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Илғилишида Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва

ЯНГИЛИК

1997 йили Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Республика иқтисодлаштирилган Хотин-қизлар коллежи ташкил этилган. Бу коллежини ташкил этишда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ва Илғимий таълим вазирликлари, шунингдек, «Соғлом авлод учун» ва «Компютер жамғармалари ташаббус кўрсатишди.

Мазкур коллежга 11-синф маълумотида эга бўлган қизлар қабул қилиниб, иқтисодчилик, дастурчилик ва ижтимоий тиббиёт ходими иқтисодчилик буйича билим олишади. Иқтисодчилик ва тиббиёт ходими иқтисоси буйича 2,5 йил, компютер дастурчилари эса 3 йил ўқишади. Дарслар рейтинг тизими асосида олиб борилади. Қизларга, қайси йўналишда ўқишдан қатъи назар, ҳуқуқшунослик ва тиббиётдан чуқур билим берилади.

— Бизнинг ўқув режамиз бошқа билим юрталардан тубдан фарқ қилади, — дейди коллеж директори Барно Рашидова. — Коллежини битирган қизлар касб эгаси бўлишидан ташқари ўз ҳақ-ҳуққини таниган, юриш-туриши ва кийиниш маданияти билан замонавий ўзбек аёлларининг намуналарини бўлишлари лозим. Улар беморларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, компютерда ишлашдан тортиб замонавий қийимларни моделлаштириш ва тикши, зарур бўлиб қолган тақдирда эса ҳуқуқий масала-

кийими бор, яъни оқ қалпоқча ва халат. Тиббиёт қонунига амал қилиш — бурчимиз» дедим. Албатта, тўғри тарбия ўз самарасини бери.

Қизлар тиббиёт хоналарида беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва валиология (соғлом турмуш тарзи) фанини ўрганишлари учун турли асбоб-ускуналар муҳайё. Коллеж кутубхонасида 2000 дан ортиқ махсус адабиётлар мавжуд. Инглиз тили хонаси лингвонлар билан тилиминланган. Дарслар компютер-

лар буйича маслаҳат бера оладиган бўлишади. Шу сабабли ҳам уларга ҳуқуқдан чуқур билим берилади. Маънавий ва маърифат хонасида қизлар ўзбек халқининг қадриятлари ва аъноалари, оила ва оиладаги муносабатлар ҳақида билим олишади. Рўзгоршунослик хонасида ўзбекча ва сўра-пача таомлар ҳамда ширинликларни тайёрлаш, замонавий қийимларни моделлаштириш ва тикшишни ўрганишади. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг тиббиёт-ижтимоий марказида қизлар режа асосида тузилган махсус маърузаларни тинглашади.

Мени бу коллежда ҳайратта солган нарса — батариблик эди. Ҳар бир ўқув хонасида, у хоҳ рўзгоршунослик, иқтисод ёки тиббиёт хонаси, «Соғлом

авлод учун» ёки «Соғлом болалар» хонаси бўлин, барйда дарслар учун зарур қўлғамал қўриллар тартиб билан қўйилган. Нақалоклар ётқизиладиган қаровотчалдан тортиб ўқувчи қизлар ўз қўлларини билан тикишган қўллақча-ю қалпоқчаларгача мавжуд.

— Чет эллардаги хотин-қизлар коллежлари билан алоқа боғлаб, ижодий ҳамкорлик қилсак, фойдалан ҳоли бўлмасди, — деди озуларга берилиб кетди Барно опа. — Коллеж ҳовлисида ёз ойларида болалар оромгоҳи ташкил қилсак ва қизларим тарбиячи бўлиши. Болалар соя-салқин оромгоҳида маза қилиб дам олишарди, қизлар учун эса бу жуда яхши амалий машғулотнинг ўрнига ўтарди...

Қаёққа қараманг, ўзбек аёлларига хос бўлган орасталик ва шинамликни қўрсатди. Фақат, кўнгилнинг бир четини хижил қилиб турган нарса, бу — қизларнинг коллеждан анчагина олисда, Талабалар шаҳарчасидаги ётоқхонада яшашлари эди. Шу коллеж ҳовлисида жойлашган ётоқхонабот бинолар ва ошхоналарда эса бетона ташкилотлар жойлашган. Ахир қизлар коллежга яқин жойда, устозларнинг қўли олдига яшасалар яхши эмасми?

Коллеж муассислари бу ҳақда уйдлаб кўрсалар, яхши бўларди...

М. ЙЎЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

кўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг яхши журналисти» танловида ғолиб чиққан журналистларга мукофотлар топширилди.

Илғилишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.Раҳматов, Президентнинг Матбуот қотиби А.Зиёев қатнашди.

Байрам иштирокчилари учун катта концерт намойиш этилди, турли томоша ва мусобақалар ўтказилди.

(ЎЗА)

ЭФИРДА — «ШАРҚ-ТВ»

Наманган вилояти худудларида қайд этилган ва ишлаб турган телестудиялар миқдори яна биттага ортди. Аввалларидан фарқи ўлароқ, яъни телестудия давлатчи эмас, балки ҳусусий — тижорат телестудиясидир.

Телестудия ташкилотчиларининг фикрича, «Шарқ-ТВ» деб номланган мазкур янги телемарказ асосан ёшлар учун кўрсатувлар олиб боради. Шу боис, дастурдан кундузи кўнели очар кўрсатувлар билан бир қаторда кинофильм ва мусиқага бой тунги кўрсатувлар ҳам жой олади.

Бундан ташқари, ахборот, илмий-маърифий тусдаги дастурларга ҳам кенг ўрин берилади, ёшларни тарбиялаш маълумотида бағишланган кўрсатувлар эътибордан четда қолгани йўқ. Вилоят қишлоқларида Ўзбекистон эстрадаси «Юлдуз»лари концертини намойиш этиш ҳам «Шарқ-ТВ»нинг яқин келажакдаги режасларидан ўрин олган.

Н. ХҲАЕВА, ЎЗА мухбири.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Юртимизда қўшиқ байрами тобора оммалашиб бормоқда. Байрамнинг қўриқ-танловларида иштирок этиб, санъат шинавандаларининг эъзозига сазовор бўлаётган янги-янги санъаткору бадиий ҳаваскорлик жамоалари кашф этилмоқда. Ҳозир вилоятларда, тармоқ вазириликларда танловнинг яқуний босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирилик тизимидаги барча қорхона, ташкилот, муассасаларда ўтказилган шундай тадбирнинг яқуний қисми пойтахт вилояти Тошкент туманидаги Фуломқўмад Абдуллаев номи жамоа ҳўжалиги маданият саройида бўлиб ўтди.

Яқуний босқичда ўн олти ҳаваскор хонанда иштирок этди. Улар ижросида Ватан туйғуси, она диёр меҳри, истиқлол нашидаси, бунёдкор эл, бахтли ҳаётни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. Бу музикий асарларнинг муаллифлари орасида таниқли шоир ва бастакорлар қатори, тармоқ ходимлари ҳам борлиги диққатга сазовор.

Танловда андижонлик Бахтиёр Тошбоев «Озод Ватан» қўшиғи ижроси учун биринчи ўринга сазовор бўлди. Тошкент вилояти вакили Муродқўжа Қосимқўжаев иккинчи, фарғоналик Фуломқўмад Арслонов билан жиззахлик Нилуфар Омонова учинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўрин соҳиби мустақиллигимиз етти йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Ўзбекистон қўшиқ байрамида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Б. МАНСУРОВ, ЎЗА мухбири.

Advertisement for 'ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ' (UZBEKISTAN INDUSTRY-CONSTRUCTION BANK). Text includes: 1998 йил 1 июдан бошлаб банкнинг навбатдаги акциялари эмиссияси очилганлиги ҳақида маълум қилади. Банкнинг эълон қилинган устав капиталы 2100 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, акцияларнинг номинал қиймати 1500 сўмга тенгдир. ЎзСҚБ акцияларини банкнинг барча филиалларида сотиб олиш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 133-24-86, 136-14-77. ЎзСҚБ бошқаруви.

Advertisement for 'ОЧИҚ ТУРДАГИ "ЗАНГИ ОТА УЛГҮРЖИ-ЧАКАНА САВДО БОЗОРИ"' (OPEN MARKET "ZANGI OTA ULGURJI-CHAKANA SAVDI BOZORI"). Text includes: ҳуссасдорлик жамияти шу йил 25 июль соат 16.00 да ҳуссасдорларнинг умумий ҳуссасот маъжлусини ўтказарди. Маъжлис бозор маъмурияти биносида ўтказилди. Мурожаат учун манзил: Занги ота тумани, Эркин агрофирмаси о.т. "УМС бозори" ҳ.х. Бозор маъмурияти.

Logo for 'ХАЛҚ СЎЗИ' (HALK SOZI) and 'НАРОДНОЕ СЛОВО' (NARODNOE SLOVO).

Boш мухаррир Аббосхон УСМОҲОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Маъжлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94; Иқтисодий 136-36-63; Қишлоқ ҳўжалиги 136-37-85; Матбуот 136-35-60, 132-10-65; Халқаро 136-29-89, 133-07-48; Фан, турмуш, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08; Халқаро ҳўд 132-11-15; Кўпмақал 133-10-28; Ўзбеклар 136-09-25.

Ҳўрматдан ўттиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 096, 34565 цехалда босилди, ҳўжми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўзғаткичи А—2 Газета ИВМ компютеризация термини ва оператор Сергей ЛУКИН ташкил қилди.

С МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи мухаррир — О. Раҳимов. Навбатчи — Ш. Каримов. Мусасхўрач — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босма хонаси. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21,00 Босишга топшириш вақти: 01.20 1 2 3 4 5 6